

ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Эгамбердиев Рахматилло Маматкулович

Судьялар Олий кенгаши ҳузуридаги

Судьялар олий мактаби Жиноят ҳуқуқи ихтисослиги тингловчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15448622>

Аннотация. Магистрлик тадқиқот ишида жиноят-процессуал қонунчилигида жиноят процесси иштирокчиси тергов ёки суд ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган, ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаётган бўлса, шунингдек гумон қилинувчи, айбланувчининг келгуси жиноий фаолиятининг олдини олиш ва ҳукм ижросини таъминлаш учун зарур процессуал ва ташкилий масалалар, халқаро стандартларда ва хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида процессуал мажбурлов чораларининг ҳуқуқий тартиботи таҳлил қилинган.

Шунингдек, процессуал мажбурлов чораларини қўллашдаги процессуал қоидаларнинг тарихий ҳуқуқий асослари ва Ўзбекистон Республикасининг жиноятчиликка қарши курашда уларни қўллаш билан боғлиқ муносабат ёритилган.

Тадқиқот натижасига кўра, “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуннинг Лойиҳаси тайёрланган ҳамда процессуал мажбурлов чораларини қўллашнинг процессуал жиҳатлари борасида назарий хулосалар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: жиноят процессини олиб боришда ва одил судловни амалга оширишда процессуал мажбурлов чораларини қўллашни такомиллаштириш.

Процессуал мажбурлов чораларини қўллашни такомиллаштиришда албатта Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси нормаларини такомиллаштирилиши зарур. Процессуал мажбурлов чораларини қўллаш бўйича асослар ва уларнинг турлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ЖПК ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида, Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамокқа олиниши, қамокда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас.

Ҳибсга олишга, қамокқа олишга ва қамокда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилади. Шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас.

Шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шарт деб белгиланган.

Шунингдек, 104-моддасининг 3-қисмида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар. Улар тегишинча Қонунчилик палатаси ёки Сенатнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамокқа олиниши ёки суд тартибда бериладиган маъмурий жазо чораларига тортилиши мумкин эмаслиги кўрсатилган.

Процессуал мажбурлов чораларининг ҳуқуқий табиати процессуал мажбурлов чораларининг ҳуқуқий табиати уларнинг жиноят-процессуал қонунчилигидаги ўрни ва

вазифаларини, уларни қўллашнинг қонуний асослари ва мақсадларини белгилайди. Ушбу чоралар жиноят ишларини адолатли, самарали ва қонуний тарзда юритишни таъминлаш учун қўлланилади. Улар жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига, шунингдек, жамоат ва давлат манфаатларига таъсир кўрсатувчи ҳуқуқий механизмлар ҳисобланади.

Процессуал мажбурлов чораларининг асосий хусусиятлари Ҳуқуқий асосга эга бўлиши процессуал мажбурлов чоралари фақат жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган асослар ва тартибда қўлланилади. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси бундай чораларнинг турлари, қўллаш шартлари ва тартибларини аниқ белгилаб беради.

Мақсадга йўналтирилганлиги мажбурлов чоралари жиноят процессида қонунийликни таъминлаш, гумон қилинувчи ёки айбланувчининг жиноят процессидан қочиб кетишини олдини олиш, айбланувчи томонидан янги жиноят содир этилишининг олдини олиш ва адолатли ҳукм ижросини таъминлаш мақсадида қўлланилади.

Чекланган характерга эга бўлиши ушбу чоралар фақат зарур ҳолатларда ва қонун ҳужжатларида белгиланган даражада қўлланилиши мумкин. Бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминлаш процессуал мажбурлов чоралари жиноят содир этган шахсларнинг ҳуқуқий масъулиятини таъминлаш орқали жамият хавфсизлигини сақлашга хизмат қилади.

Қонунийлик ва адолат принципларига мувофиқлиги мажбурлов чораларини қўллаш жараёнида қонунийлик, адолат ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойилларига қатъий риоя қилиниши шарт.

Процессуал мажбурлов чораларининг ҳуқуқий мақсадлари тергов ва суд жараёнини таъминлаш жиноят иши бўйича барча зарур тергов ва суд ҳаракатларининг ўз вақтида ва қонуний тарзда амалга оширилишини таъминлаш.

Иштирокчиларнинг мажбуриятларини бажаришини таъминлаш Жиноят процесси иштирокчилари (гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва бошқалар) томонидан ўзларига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини кафолатлаш.

Жиноят процессидан қочишни олдини олиш гумон қилинувчи ёки айбланувчи томонидан жиноят процессидан қочиш, далилларни йўқ қилиш ёки сохталаштириш ҳаракатларининг олдини олиш.

Ижтимоий хавфсизликни таъминлаш айбланувчи ёки гумон қилинувчи томонидан жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш.

Инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш процессуал мажбурлов чоралари инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлиб, уларнинг қўлланилишида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга.

Халқаро ҳуқуқий стандартларга мувофиқлиги процессуал мажбурлов чораларини қўллашда халқаро ҳуқуқий стандартларга риоя қилиниши зарур. Бунда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда бошқа халқаро ҳужжатларда белгиланган нормалар асосий йўналиш сифатида қабул қилинади.

Процессуал мажбурлов чораларининг ҳуқуқий табиати уларнинг жиноят процессини адолатли ва қонуний тарзда юритишни таъминловчи муҳим ҳуқуқий

механизм эканлигини кўрсатади. Бу чоралар нафақат жиноятчиликка қарши курашда, балки инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳам самарали восита сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг тўртинчи бўлими процессуал мажбурлов бўлиб, Кодекснинг 213-моддасида, Жиноят процесси иштирокчиси тергов ёки суд ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган, ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаётган бўлса, шунингдек гумон қилинувчи, айбланувчининг келгуси жиноий фаолиятининг олдини олиш ва ҳукм ижросини таъминлаш учун зарур бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ушбу Кодекста белгиланган ҳолларда ҳамда тартибда мажбурлов чораларини қўллашга ҳақлидир.

Мухтасар қилиб айтганда, жиноят ишларида процессуал мажбурлов чораларини қўллашда Жиноят-процессуал кодекси нормаларининг такомиллаштирилиши одил судловнинг амалга оширилишининг муҳим шarti ҳисобланди.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й, <https://lex.uz>
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // [Электрон манба]. URL: <https://www.lex.uz/acts/111460>